

Ширин шаҳрида бунёд этилган замонавий фитнес маркази қисқа вақт ичида ёшларнинг севимли маска-

ШИРИНДА ФИТНЕС

— Мамлакатимизнинг чекка ҳудудларида барча қулайликларга эга мана шундай мар-

О. МАМАДАЛИЕВА ҚАШҚАДАРЁ

Қашқадарёда «RADIANT SILK» курук пиллани қайта ишлаб, хом ипак қалава ва ипак газламалар ишлаб чиқаришга ихтисослашган

ЭКСПОРТ ҚИЛИНАДИ

Вилоят бўйича ҳар йили 3 минг тоннага яқин пилла етиштирилади. Ундан 800 тонна курук пилла хом ашёси олинади.



Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri • 2013-yil 7-sentabr, shanba № 110 (3303)

Матбуот анжумани

Мавсум якуни: таҳлил ва галдаги вазифалар

№ 108-109 (уфёт № 115)

Юртимиз тараққиёт йўлидан дадил одимлаётгани сайин барча соҳаларда йилдан-йилга ижобий ўзгаришлар юз кўрсатаётир.

Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан «Болаларни ёзги соғломлаштириш



Кувонарли томони, бу йил ихтисослаштирилган оромгоҳлар сони орттириш баробарида, йўналишлари кўпайишига ҳам эришилди.

Болаларни ёзги дам олдириш ва соғломлаштириш ташкилотчиларининг III Республика Форуми олдида

Юртимизда ёш авлоднинг ҳам жисмонан, ҳам маънан камол топиши учун улкан эътибор ва ғамхўрлик кўрсатилаётир.

Доимий ғамхўрлик намунаси

Ҳомийлик

Меҳнатқашлар ва уларнинг оила аъзоларига ғамхўрлик кўрсатиши ўз олдига мақсад қилиб қўйган ташкилотлар оз эмас.

Сирожиддин ИЗЗАТУЛЛАЕВ, Транспортер, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари Самарқанд вилоят ташкилотларининг бирлашган касабаси уюшма кўмитаси раиси

Жорий йил ёзги соғломлаштириш мавсумида Сурхон воҳасидаги энг сўлим ва баҳаво гўшаларида жойлашган 9 та оромгоҳда 5200 нафардан

Икки мингичи уй топширилди

Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида қурилатган уйлардаги шарт-шароитларни кўриб, ҳавасингиз келди.

Ўз муҳбиримиз

Мустақиллик иншоотлари

Сардоба тумани Сирдарё вилоятининг чекка ҳудудларидан саналади.

Саломатлик маскани

Яқинда туман аҳолиси қурувчилардан яна бир совгани қабул қилди. Туман тиббиёт бирлашмаси биноси тулик реконструкция қилиниб, 300 қатновга мўлжалланган кўп тармоқли поликлиниканинг янги биносид

Абдуманноп АЗИМОВ, «Ishonch» муҳбири

Касабаси уюшмалари — мустақиллик йилларида

Навоийликлар миллатимиз шарафини кўкларга кўтарган, юртимиз довуригани оламга тараннум этган улуг аждодимиз номи билан аталган заминдан яшаётгани билан ҳар қанча

Навоий яқинидаги Сармишлой дараси тошларида қатор қадимий суратлар, уларга ўйиб ишланган чизма(петроглиф)лар бизга кўна тарихдан сўзлайди.

Эл бахтидан ҳаловат излаб

Ободлик сари

— Инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинлигини таъминлаш, фаровон турмуш барпо этиш бosh мақсадиимизга айланган.

Навоий вилояти

тир, — дейди вилоят касабаси уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Назира Тоғаева.

ни 79 йўналишда тугаллаган битирувчилар жалб қилинди. Битирувчиларга касабаси уюшма маблағи ҳисобидан моддий ёрдам кўрсатиш тақсироти ишлаб чиқилган.

органлари, касабаси уюшмалари ва иш берувчилар томонидан самарали ишлар амалга оширилди.

Рустам ДАВЛАТОВ, «Ishonch» муҳбири

(Давоми 3-саҳифада).

Касаба уюшмалари меҳнаткашлар ҳамкори ва таянчи

Эътибор



Бекаларга кўмак

Наманган вилоятида Истиклол айёми муносабати билан «Обод турмуш йили» Давлат дастури доирасида белгиланган қатор хайрли тадбирлар амалга оширилди.

Хусусан, вилоятдаги ташкилот ва муассасаларда меҳнат қилаётган кам таъминланган, ижтимоий ҳимоятлаб, фидойи аёллардан 30 нафарига, тиббиёт соҳасида ютуқларга эришган, жамоатчи аёллардан 18 нафарига республикамизнинг турли сихатгоҳларига бепул йўланма тақдим этилди.

«Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!» акцияси доирасида эса вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси томонидан 24 нафар эътижманд оила аёлларига электр машиши техника жиҳози — кир ювиш машиналари олиб берилди.

— Қишлоқ аёлининг юмушини енгиллатувчи техника анжомларини тўхфа қилаётган ташкилотчиларга минг раҳмат, — дея минтадорлик билдирди Янгиқўрғон туманидаги «Шарқ юлдузи» агрофирмаси пиллакори Захро Умарова. — Истиклол сабаб юртимизга ўзгача фойда кирди. Қишлоқларимиз обод бўлиб бормоқда. Бундай маънавий жиҳозларнинг оилаларимизда кўпайиб бораётгани ҳам турмуш маданиятимизнинг юксалаётганидан дарак беради.

Дилдора РАҲМОНОВА, «Ishonch» мухбири. Муаллиф олган сурат

«Обод турмуш йили» Давлат дастурида устувор йўналишларга эътибор қаратилиб, ҳаётимизни янада соғлом ва обод қилиш, аввало, аёл зотининг жамятимиздаги ўрнини, ижтимоий фаоллигини янада ошириш, оғирини енгил қилиш борасида қатор тадбирлар белгиланган. Шу муносабат билан Бухоро вилоятида истиқомат қилаётган бир гуруҳ аёлларни мустақилликнинг 22 йиллиги муносабати билан рағбатлантириш мақсадида тадбир ўтказилди.

Тадбирда вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси ўринбосари М.Шукуров иштирокчилар эътиборини Давлат дастури доирасида амалга оширилаётган ибратли ишлар, аёлларимизга кўрсатилаётган ғамхўрликка қаратди.

Вилоят ҳокими ўринбосари, Хотин-қизлар кўмитаси раиси Зулфия Тўйева барча аёлларни муборак айём билан кутлаб, юртимиз истиқболини мустақамлаш йўлидаги эзгу ишларида катта муваффақиятлар тилади. Шундан сўнг 13 нафар эътижманд аёлга Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг совғаси — сўнгги русумдаги замонавий кир ювиш машиналари топширилди.

Тадбирда бадий ҳаваскорлик жамоаларининг чиқишлари иштирокчиларга кўтаринки кайфият бағишлади.

Лобар БАРАКАЕВА, Бухоро вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасининг етакчи мутахассиси

Мустақилликнинг 22 йиллиги ҳамда «Обод турмуш йили» Давлат дастури тадбирлари ижросини таъминлаш мақсадида Навоий вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси томонидан «Аёллар — касаба уюшмалари эътиборида» акцияси ўтказилди.

Унда вилоятда фаолият кўрсатаётган корхона, ташкилот ва муассасаларда хизмат қилиб келаётган ижтимоий ҳимоятлаб аёллардан 7 нафарига касаба уюшмалари тизимидаги санаторийларда соғлигини тиклаши учун бепул йўланмалар берилди.

З.МИСЛИМОВ, Навоий вилоят КҮТБ бўлим мудири

Дўстлик туманининг Янгиобод қишлоғида истиқомат қилувчи Холдоний Хурсанова 63 ёшни қаршилади. Олти нафар ўғил-қизни воёга етказиб, уларни оёққа қўйди. Қисмат экан, узоқ йиллар қишлоқ хўжалигида меҳнат қилган онахоннинг кўзлари хиралашиб, кўрмай қолди.

Истиклол байрами арафасида онахонни вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашига тақлиф қилишди. Холдоний она билан бирга, арназойлик Фотима Алламуродова, Ойхумор Хурсанова, зафарободлик Нилуфар Исмоилова, Саодат Умарова, мирзачўлик Гавҳар Холмирзаева, Шоҳида Эргашева, янгиободлик Норбуви Дўстмуродова, Назира Абдуалимова, Дўстлик туманидан Феруза Жангирова, Жиззах туманидан Зарифа Комилова, жиизахлик Фотима Содиқоваларнинг ҳар бирига Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан бир миллион сўмлик электр машиши техника жиҳозлари тўхфа қилинди.

Маэкур тадбир Жиззах вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши томонидан «Обод турмуш йили» Давлат дастури асосида амалга оширилди.

Абдуманноп АЗИМОВ, «Ishonch» мухбири

Акция

Мамлакат мустақиллигининг 22 йиллик байрами муносабати билан ЎзҚУФКнинг «Ватан фидойи фарзандларини унутмайди!» акцияси доирасида тизимнинг барча бўғинларида кўплаб тадбирлар амалга оширилмоқда.

Жасоратли ўғлонлар ёди

Хизмат бурчини ўтиш вақтида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар оилаларини қўллаб-қувватлаш мақсадида Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Бухоро вилояти бўйича масъул ташкилотчиси Бахтиёр Бахромов вилоят мудофаа ишлари бошқармаси вакиллари билан биргаликда Когон шаҳри, «Саодат» кўча-сидаги Алиқуллар оиласига ташриф буюришди.

Фарзандларини оталаридан фахрлиниш ҳисси билан тарбияламоқданам. Зеро, турмуш ўртоғим ватан олдидаги, фарзандлари, оиласи олдидаги бурчини шарф билан бажарди.

Бир инсон умри давомида қилиши мумкин бўлган яхши амалларнинг энг эзгуси — Ватанин ёвуз кучлардан ҳимоя қилишга эришиди. Бугун биз тинч, хотиржам, давлатимизнинг эътибору эъзозиди аша-ўтирмиш. Турмуш ўртоғимнинг орзуси ҳам шу эди, аслида».

Гулноза опа билан суҳбатимизнинг бундай кечилиши кутмагандим. Очиғи, кўзида ёш айланган турган аёл билан қандай суҳбат қурурканман, деб иккилангандим. Аммо мардининг аёли ҳам мард бўлади, деганлари рост чиқди. Бошидаги дардини сабр билан енгиб, юзида майин табассум жилва қилиб турган опа дилкашига суҳбатдош ҳам экан.

турмуш ўртоғи Саодат Нурова ва фарзандлари унинг ёрқин хотираси доимо улар билан бирга эканини таъкидлашди.

— Давлатимизнинг бизга

кўрсатаётган эътиборидан, касаба уюшмалари, мудофаа ишлари ва бошқа бир қанча ташкилотларнинг байрамларда бизни йўқлаб туришидан чексиз миннатдорим, — дейди С.Нурова манзилли моддий ёрдамни қабул қиларкан. — Аслида, ҳукуматимизнинг амалий мадади турмушимиз фаровонлиги учун етиб ортади. Аммо йўқлов, меҳр кўрсатишлардан кўнглимиз кўтарилди.

Амалларнинг энг эзгуси

Дарвоқе, суҳбатдошимиз Гулноза Нуридинова хонадонига касаба уюшмаларининг «Ватан фидойи фарзандларини унутмайди!» акцияси доирасида ташриф буюрдик.

— Турмуш ўртоғим Камолиддин Тошпулатов билан 1996 йилда оила қургандик, — дейди опа. — 2000 йилда — 26 ёшида ҳалок бўлди. Қўлимда 2 ўши Умиджоним ва хали туғилмаган гўдагим билан қолдим. Бугун болажонларимнинг бўйи чўзилиб, касб танлаш ҳақида ўйлаб бошлашганда, ихтиёрларини ўзларига бердим. Ота касбини танлашмоқчи. Умиджон Тошкент шаҳар ахборот телекоммуникация академик лицейига ўқишга кирди. Кенжам Миркомил ҳарбий прокурор бўлишни мақсад қилган. Энг му-

ҳими, уларнинг ота ўғил бўлишлари, юзимиэни ёруғ қилишларидир. Бугунгидек ғамхўрлик тадбирлари менинг бу йўлда бардошмини мустаҳкамлайди, қалбимга қувват беради.

— Наманган вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси томонидан хизмат бурчини бажариш вақтида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар оилаларини қўллаб-қувватлаш мақсадида манзилли моддий ёрдам кўрсатилди, — дейди бизга ҳамроҳлик қилган Агрорноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг вилоятдаги масъул ташкилотчиси Дилбар Хошимова.

Иzzатулла ҲОЖИЕВ, «Ishonch» мухбири

Д. РАҲМОНОВА



Қарши шаҳрида «Тюнинг эксперт сервис» хусусий корхонасига қарашли автомобилларга техник хизмат кўрсатиш мажмуаси фойдаланишга топширилди.

20 киши иш билан таъминланган мажмуада автомобилларга техник хизмат кўрсатиш учун барча шароит яратилган. Устахоналар замонавий ускуналар билан жиҳозлангани сифатли техник хизмат кўрсатиш, миқозларнинг вақтини тежаш имконини бераёттир.

Суратларда: уста Нурбек Сафаров: корхона ишчилари (чапдан) Жамшид Сунатов ва Сарвар Жўраев иш пайтида.

Жамшид НОРКОБИЛОВ (ЎЗА) олган суратлар

Ҳамкорларимиз фаолияти

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Марказий банки томонидан «Бандлик масаласи — банклар эътиборида» мавзусида матбуот анжумани ўтказилди.

Олий Мажлис Сенатининг «2013 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури»да белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида молия муассасалари томонидан қатор ишлар амалга оширилмоқда. Бунда асосий

корхоналарини қўллаб-қувватлаш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган ишлар амалга оширилмоқда. Тижорат банклари томонидан экспорт қилувчи корхоналарга айланма маблағларни тўлдириш учун бир йилгача бўлган муддатга ажратилган имтиёзли

лари ажратилди. Иқтисодийнинг реал секторини қўллаб-қувватлаш, базавий тармоқ корхоналарининг барқарор ишлашын таъминлаш, иқтисодий ночор корхоналар фаолиятини қайта тиклаш ва модернизация қилишда банклар молия тизимининг ҳиссаси тобора ортиб бормоқда.

Президентимизнинг 2008 йил 18 ноябрдаги «Иқтисодий реал сектори корхона-

келтирилган замонавий технология ва ускуналар билан жиҳозланмоқда.

Анжуманда қайд этилганидек, тижорат банклари доимий равишда кичик бизнес субъектларини, айниқса, оилавий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш, коллеж битирувчилари бизнес режаларини молиялаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратиб келмоқда.

Маэкур соҳа Юртбошимиз тазаббуси билан мамлакат ижтимоий сўбастининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Шунга муштарак равишда «Қишлоқ қурилиш банк» ташкил этилди. Ушбу банк тўрт йил мобайнида қишлоқда 23.6 минг яқка тартибда уй-жой қурувчиларга қий-мати 1 трлн. 400 млрд. сўмдан зиёд ипотека кредитлари ажратди.

Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 26 июлдаги «Олий ўқув юртра-рида тўлов-контракт асосида ўқиш учун таълим кредитлари бериш тўғрисида»ги қарорига асосан Низом тасдиқланди. Унинг талаблари асосида жорий йилнинг 6 ойи давомида республика тижорат банклари томонидан тўлов-контракт асосида қўйибган 7.197 нафар талабага 19.5 млрд. сўм миқдорда имтиёзли кредит берилди.

Анжуман нияҳосида банк ходимлари журналистларнинг саволларига атрафлича жавоб қайтаришди.

Неъмат РАФИҚОВ, «Ishonch» мухбири

Тадбиркорга мададкормиз


эътибор кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерликни бундан-да ривожлантириш орқали аҳоли фаровонлиги ва реал даромадларининг изчил ўсишини таъминлаш, халқ турмуш даражаси ҳамда сифатини ошириш, муносиб уй-жойлар ва ижтимоий-маиший шароитлар яратишга қаратилди.

Қайд этиш лозимки, инкирозга қарши чоралар дастури доирасида банк тизимида иқтисодиётнинг реал сектори

ларининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига асосан ўтган йиллар давомида тижорат банклари балансига жами 170 та иқтисодий ночор корхона қабул қилинди. Ишлаб чиқаришни тиклаш ва модернизация қилиш мақсадида тижорат банклари томонидан 429,2 миллиард сўмлик инвестициялар киритилиб, Германия, Япония, АҚШ, Хитой, Италия ва Швейцариядан

Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган тижорат банклари томонидан Обод турмуш йилида 320 млрд. сўмлик, 15 мингта ёш оилага 81 млрд. сўм миқдорда истеъмол кредитлари ажратилди.

Жаҳон тажрибасидан маълумки, аҳолининг уй-жойга бўлган эътижини қондиришнинг самарали йўлидан бири — тижорат банклари томонидан фуқароларга ипотека кредитлари ажратишдир.



(Давоми. Бошланғич фаоллашганда)

Бошланғич фаоллашганда
Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси V Курултойидан кейин тизимда туб бурилиш ва янгиланишлар кўзга ташланди.

Вилоятда меҳнатқашлар билан юзма-юз мулоқотда бўлувчи бошланғич ташкилотлар етакчиларини сайлашга алоҳида эътибор қаратилади.

«Энг намунали бошланғич ташкилот» республика куриктанловининг май ойида бўлиб ўтган биринчи босқичи етакчилар маҳорати ва ташкилотчилигининг гоятда муҳимлигини яна бир карра исботлади.

Аграрно соҳа мажмуи ходимлари касабаси уюшмаси тизимидан «Навоийдонмаҳсулотлари» ОАЖ, Таълим, фан ва маданият ходимлари касабаси уюшмаси тизимидан «Микрокредитбанк» ОАТБ бошланғич ташкилотлари ҳар жабҳада илғорликка эришиб, таловда биринчи ўринни кўлга киритишди.

Ташвишларда бордек ҳаловат

Одамлар ташвиши билан яшаш бахти ҳар кимга ҳам наисиб этаквермайди. Миллий ва умминсоний кадрятлар билан йўрилган шундай эзгу амаллар вилоят касабаси уюшмаси ходимлари фаолиятининг асосини ташкил этади.

ши якунланмоқда. Жорий йилда вилоят марказида 2 та, Зарафшон шаҳрида 1 та, Учқудуқ туманида 1 та уй бунёд этилди.

Оилалар мустақамлигига эришиш, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш мақсадида вилоят касабаси уюшмаси ташкилотлари бирлашмаси, «Камолот» ЁИХ, «Оила» илмий-амалий маркази, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди бўлимлари, Навоий Давлат педагогика институтининг ҳамкорлигида доимий равишда оммавий тадбирлар ўтказиб борилаёпти.

кин индустриал-иктисодий зонаси ташкил этилган, минтақа ҳаётида мисли кўрилмаган ўзгаришлар юз бера бошлади. Автомобил магистрала, темир йўл ҳамда халқаро аэропортга яқин саналган 564 гектарлик мазкур ҳудудда тараққиёт тобора юз кўрсатаётди.

Бу ерга йўл олар экансиз, аввало, Навоий шаҳри аэропорти ҳудудидagi мухташам биноларга ва замонавий омонорхоналарга кўзнингиз ташади. Бу ерда юк ташуш бўйича жаҳонда номдор

лаб чиқариш корхоналари бугун тўла қувват билан ишлаб бошлади, — дейди «Oman Fiber Optical» оптик тола кабелни тайёрлаш корхонаси бошланғич касабаси уюшмаси етакчиси Урал Адиллов.

Уларда етарли малака ва кўникма олган юзлаб маҳаллий мутахассислар иштиёқ билан ишлашмоқда. Изланувчан, касбини ардоқлайдиган киши кам бўлмас экан. Бунга шахсан амин бўлдим. Кўпнинг ишончи билан ҳозирда касабаси ишларига сардорлик

Эл бахтидан ҳаловат излаб



Навоий вилояти

Дунёда ҳеч бир соҳа мамлакатни санъат ва спортчилик тез танита олмайдди. Бугун истеъдодли ёшларимиз томонидан соҳада кўлга киритилаётган ишлар алоҳида эътирофга лойиқ.

2011-2012 йилларда вилоятнинг Хатирчи, Наобхор, Конимех туманларида намунавий лойиҳалар асосида барпо этилган мусиқа ва санъат мактаблари ўқувчи-ёшларни бу йўналишга кенг қамраб олиш ва уларга қулай шартлар яратишда муҳим қадам бўлди.

Жумладан, Хатирчи туманидаги 6-болалар мусиқа ва санъат мактаби ёшлари Бразилиянинг Маринга шаҳрида ўтказилган ҳарбий мусиқа асосблари халқаро танловида истеъдодини намойиш этиб, Ўзбекистон доврўғини оламга ёйишди.

Ушбу ютуқлар ўз-ўзидан амалга ошмайди. Аввало, бунда давлатимиз томонидан яратиб берилган шарт-шароит, соҳа фидойиларининг жонбозлиги муҳимасам.

Эркин иқтисодиёт — тараққиёт омилли

Кизилқум сарҳадларига туташиб кетувчи Маликулчи саҳроси йилдан-йилга чекинаётди. Қишда изгири, ёзда эса кўликларни тандирдек қиздирувчи жазирама пешма-пеш обод бўстонга айланаётган ҳудудларга таслим бўлаёпти. Навоий эр-

саналган Корея Республикасининг «Кореан Айр» авиакомпанияси билан узоқ муддатли келишув асосида халқаро интермодал логистик марказ барпо этилди. Ушбу марказнинг вази-фаси Навоий аэропортига келинган юкларни Марказий Осиё минтақасида автомобил транспортлари ҳамда халқаро минтақасида «Шимол-Жануб» ва «Гарб-Шарқ» йўналишларида ҳаво йўллари орқали тақсимлаш тизимини тўлақонли амалга оширишдан иборат.

Яна бироз йўл босиб, магистрал йўлдан бошланувчи икки томонлама равон йўл орқали ЭИИЗ санат корхоналари жойлашган манзил томон йўл оламиз. Бундан 4-5 йил муқаддам минтақадa бўлган киши бугунги кундаги ўзгаришларни кўриб, ҳайратга тушиши табиий.

Ҳудуд корхоналарини ташкил этиш учун 3 гектардан 25 гектаргача бўлган майдонлардан иборат жами 350 гектар ер ажратилган. Ҳозирда электротехника маҳсулотлари, машинасозлик ва автомобил эҳтиёт қисмлари, фармацевтика санатои ва тиббиёт маҳсулотлари, озиқ-овқатни қайта ишлашчи ва қадоқловчи, пластик ва полимердан маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи 19 та корхона бирин-кетин ишга туширилди.

— Минтақадa Корея Республикаси, Хиндистон, Сингапур, Уммон сингари қатор давлатлар иштирокида ташкил этилган иш-

қилаётган. Бу ерга келгунча, вилоят касабаси уюшмаси тизимидан анча тажриба ортирган эдим. Шунинг учун меҳнат муҳофазасини имкон қадар юқори ўринга кўтаришга ҳаракат қилаётганман. Корхонамиз бир йилда 120 минг км. кабел ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Бу миқдор бутун бошли ер шарини уч маротаба айланиб чиқишга етатидиган улчамни ташкил этади.

Хуллас, юқоридa келтирилган 19 та лойиҳага қўшимча равишда яна қатор лойиҳаларни амалга ошириш ишлари самарали равишда амалга оширилмоқда. Корхоналар турли ортиб бориши шарофатидан яна кўплаб янги иш ўринлари яратилмоқда. Бу маҳаллий ёшлар ўз фаолиятини барча шароитга эга муҳитда бошлашига имкон туғилади, демак —

Аёл — жамият гавҳари

«Аёлсиз ҳаёт тонги ва оқшоми заиф, кундузи гамгин бўлиб қолар эди», деган эди буюк мутафаккирлардан бири. Дарҳақиқат, оила хузуур-ҳаловати, авлодларимиз камолоти, ҳаёт завқ-шавқини ана шу мустабар зотларсиз тасаввур эта олмаймиз. Қолаверса, барча соҳада хотин-қизлар эркаклар билан олқамлаб меҳнат қилиб келишмоқда.

— Вилоятда оила, турмуш муаммоларининг олдини олиш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, бандлигини таъминлаш ҳамда иқти-

дори намоен этишида кўмаклашиш, жисмоний ва репродуктив саломатлигини яхшилаш борасида қатор ишлар амалга оширилди, — дейди вилоят ҳокими ўринбосари, Хотин-қизлар кўмитаси раиси А.Бобомуродова. — Жамият гавҳари саналган аёл зотиға гaмхўрлик кўрсатиш алоҳида эътиборда. Вилоят Хотин-қизлар кўмитаси, касабаси уюшмаси ташкилотлари бирлашмаси, «Тадбиркор аёл» уюшмаси ҳамда Савдо-санат палатаси ҳамкорлигида оилавий кичик корхоналар ташкил этиш лойиҳаси асосида тикувчилик, каштачилик, тўқимачилик, қорғоз маҳсулотлари ишлаб чиқаришга йўналтирилган йер неча кичик корхоналар ишга туширилди. Шу йўл билан ўнлаб бекалар ишли бўлди.

Марказдан олисда бўлган шаҳар ва туманларда ўтказилган амалий семинарлар эзгу амалларимизнинг янада кенг қулоч ёзишини таъминлайди. Касабаси уюшмалари билан ҳамкорликда ишлаётганимиз боис, бир қадар таъсирчан тадбирлар ўтказишга эришдик. Вилоят микросида ташкил этилган «Энг яхши тадбиркор аёл» танлови доирасида кўплаб иқтидор соҳибалари кашф этилди.

Шаҳар ва туманлардаги маҳалла фуқаролар йиғинлари диний-маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари кўмагида ҳудудларда фаолият олиб бораётган аёллар билан мунтазам маънавий-маърифий тадбирлар ўтказиб турилибди. Вилоятдаги кизларимизнинг иқтидори ва истеъдодини рўйбга чиқариш борасидаги ишларимиз ҳам анча яхшиланди. Жойларда Зулфия номидаги Давлат муқофоти совридорлари Назоқат Мухамедова, Чаман Жонузқова ва Нигора Тўймуродова билан учрашувлар ўтказилди.

Дарҳақиқат, ҳамжихатликда самара кўп экан. Мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма икки йиллиги муносабати билан ана шундай ҳамкорлик тадбирлари янада оширилди. «Ёш куч» тарғибот маркази ва кўпгина тегишли ташкилотлар хайрихоҳлиги самараси ўлароқ, хотин-қизлар сиёсий фаолиятини оширишга эришилмоқда. Вилоят касабаси уюшмаси ташкилотлари бирлашмаси ҳамда Хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан вилоятда 11 та ўқув маркази ташкил этилган. Улар турли шаҳар ва туманларда жойлашган бўлиб, кам таъминланган, эҳтиёжман оилаларнинг 128 нафар фарзандларинг бепул касбий сабақ олишида яқиндан ёрдам бераётди.

Қадри баланд халқимиз

Қарамликнинг изтиробини кексаларимиз яхши билишади. Истебод даврида миллий қадрият ва урф-одатларимиз, бир сўз билан айтганда, ўзлимизни билиб-билмай бой бера бошлагандик. Шурки, Мустақиллик шарофати билан буюк аждодларимиз номлари тикланадиган, кўхна осори-атиқалар, муҳорак қадамжоларни таъмирлашга эътибор қаратила бошлади. Утган йигирма икки йил ичида она диёримизда қанчадан-қанча ўзгаришлар рўй берди. Бунёдкор халқимиз кўнликўлга бериб, овоз юрти янада обод қилиш йўлларини изламоқда. Изланувчан ёшларимиз эса ўз маҳорат ва билимларини эл-юрт равнақи йўлида сафарбар этиш иштиёқиди. Замамондорларимиз янгича фикрлар, оруз-ҳаваслар оғушини яшаётди. Бундай овоз диёр, қадри баланд эл билан фахрланмай бўладими...

Саҳифани «Ishonch» муҳбири Мансур АЛОВУДДИНОВ тайёрлади

Сизнинг адвокатингиз

Тошкент шаҳар касабаси уюшмаси ташкилотлари бирлашмаси кенгашига Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими кадрларининг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш институти ходими Э.Раҳимова меҳнат ҳуқуқини ҳимоя қилишни сўраб муурожаат қилди. Маълум бўлишича, маъмурият томонидан унга нисбатан «ҳайфсан» интизомий жазоси қўлланилган экан. Бироқ касабаси уюшмаси ҳуқуқшунослари томонидан ҳужжатлар ўрганилганда, ушбу жазо чораси ноўрин қўлланилганлиги аниқланди. Шу боис институт раҳбарияти номига тақдимнома киритилиб, жазони бекор қилиш, ушбу давр мобайнида унга тўланиши керак бўлган муқофот пулларини тўлаб бериш талаб қилинди. Кўп ўтмай ушбу талаблар бажарилиб, ходимнинг ҳуқуқи тикланди.

Ходим ҳуқуқи



Шу ўринда, юқоридаги қабил ҳолатлар баъзи корхона ва ташкилот раҳбарларининг меҳнат қонунчилигини етарли даражада билмаслиги, ҳуқуқшунос ёки касабаси уюшмаси кўмитаси раисининг маслаҳатсиз иш юритиши сабабли вужудга келаётганини таъкидлаб ўтиш жоиз.

Мисол учун, шаҳардаги 4-клиник шифохонанинг болалар бўлими мудири, шифокор неонтолог А.Алимардонова жамоа манфаатларига доир вазифаларни бажараётгани учун маъмурият унга кафолатли тўловларни тўламаган. Меҳнат кодексининг 166-моддасида «Иш бевуви ва меҳнат жамоаси манфаатларига доир вазифаларни бажариш (малака ошириш, раціонализиаторлик тақлифларини жорий этиш ишида қўнқашни, хизмат сафарига бўлиш, тиббий қўриқдан ўтиш ва бошқа ҳолларда) мақсадида ходимни ишдан озод этиш шартлари, шунингдек, шу давр учун тўланадиган кафолатли тўловлар миқдори жамоа шартномаларида белгилаб қўйилади. Лекин бу тўлов миқдори ўртача иш ҳақидан кам бўлмаслиги керак. Мажбурий тиббий қўриқдан ўтиши шарт бўлган ходимларга, уларнинг ишга яроқлилигини аниқлаш мақсадида стационар тиббий муассасаларда текширувдан ўтатиган даври учун, ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган кафолатлар бериладми», дея кўрсатиб ўтилган. Касабаси уюшмаси ҳуқуқшунослари шунга асосланиб иш бевуви номига йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш, келгусида тақрирлашга ва ходимнинг бузилган ҳуқуқларини дарҳол тиклашни сўраб, тақдимнома киритди. Тез орада ходимнинг бузилган ҳуқуқлари тикланди.

Бирлашма кенгашига умид билан келган ҳар бир фуқаронинг дардиға малҳам бўлиш, мушкулни осон этиш доимий эътиборда. Чунки, Тошкент автомобил йўллари институтининг ходими Н.Муфтазоданинг унга иш бевуви томонидан ҳомилдорлик ва туғиш бўйича нафақа тўланмаётганлиги тўғрисидаги оқзаки муурожаати ўрганилди. Иш бевуви билан бўлган мулоқотда бу меҳнат қонунчилигига зид эканлиги, яъни Меҳнат кодексининг 233-моддаси талаблари бузилганлиги тушунтирилди. Жумладан, Кодексда шундай дейилади: «Аёлларга туққунга қадар етмиш календар кун ва туққанидан кейин эллиқ олти календар кун (туғиш қийин кечган ёки икки ва ундан орттиқ бола туғилган ҳолларда — етмиш календар кун) муддати билан ҳомилдорлик ва туғиш таътиллари берилиб, давлат ижтимоий сугуртаси бўйича нафақа тўланади. Ҳомилдорлик ва туғиш таътили жамланган ҳолда ҳисоблаб чиқилиб, туғишга қадар амалда бундай таътилни неча кундан фойдаланилганидан қатъи назар аёлга тўлиб берилади». Касабаси уюшмасининг аралашуви билан ушбу қонун бузилиши ҳам бартараф этилди.

Таъкидлаш жоизки, меҳнатқашлар манфаатлари ҳимоясининг ҳуқуқий негизини шакллантириш ва тақомиллаштиришда касабаси уюшмалари фаол иштирок этаёпти. Турли ўқув, семинар ва учрашувлар ташкиллаштирилмоқда. Касабаси уюшмаси тармоқларида меҳнатқашлар, раҳбарларнинг меҳнат ҳуқуқи мавзусидаги саволларига батафсил жавоб беришга мўлжалланган «Ишонч телефони» доимий ишлаб турибди. Жумладан, Тошкент шаҳар касабаси уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгашида ҳам «Ишонч телефони» жорий қилинган. 2013 йилнинг олти ойи давомида у орқали 65 та муурожаат келиб тушди. Уларнинг 18 таси меҳнат шартномасини бекор қилиш билан боғлиқ бўлса, 9 таси иш ҳақи, компенсациялар ҳамда ижтимоий нафақа ва тўловларни тўлаб бериш тартибига оид масалалар юзасидан савол ва муурожаатлардир. Шунингдек, «Ишонч телефони» орқали аёллар ва оилавий вазифаларни бажариш билан машғул бўлган шахсларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш, кадрлар бўлимида юзага келаётган муаммолар ечимини топиш, меҳнат таътилини бериш тартибига оид масалаларда ҳуқуқий кўмак берилмоқда.

Жумладан, фуқаро Ш.Аъзамов: «Ходимнинг ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисида ариза берилса, оғохлантиришнинг икки ҳафтаги мобайнида янги иш жойи қидириш мумкинми?» деган савол билан муурожаат қилди. Муурожаат эгасига бу ҳаракатни иш бевуви билан келишиб амалга ошириш лозимлиги тушунтирилди. Чунки, ходим иш бевуви билан келишмасдан туриб оғохлантириш муддати туғашигача ишни қилди, бу ҳол узрли сабаблари бўлмаган проғул деб баҳолашни мумкин. Бундай ҳолатда эса иш бевуви ходим билан меҳнат муносабатларини ўз ташаббусига кўра қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда бекор қилишга ҳақли.

Икром ЯКУБОВ, Тошкент шаҳар касабаси уюшмаси ташкилотлари бирлашмаси кенгаши юридик бўлими мудири

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон миллий университети томонидан 2008 йил 2 июлда Абилятова Элзара Решатовна номига берилган В.№ 355385 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Низомий номидаги ТДПУ ректорати ва касабаси уюшмаси кўмитаси физика-математика факултетининг профессори Маматмусо Мамадазимовга акаси Файзмамат МАМАДЗИМОВнинг вафоти муносабати билан чўқур таъзия изҳор этади.

Халқ манфаатини ўйлаган раҳбар ҳам корхонани ривожлантиради, ҳам ишчи-хизматчиларни рағбатлантиради

Юртимиз мустақилликка эришган илк кунлардан бошлаб давлатимиз раҳбари хусусий мулкчиликка, тадбиркорлик ва ишбилармонлик, фермерлик ҳаракатига қатъа эътибор қаратди. Келажаги буюк Ўзбекистонимизнинг эртанги тараққиёти, юксалишини айнан тадбиркорлар, фермерлар тизимида кўриб, иш юритгани бугун ўз мевасини бермоқда.

Мамлакатимизнинг қисқа вақтда дун ва нефт мустақиллигига эришиши, дунёдаги энг ривожланган давлатлар қатори автомобилсозликни ривожлантиришга бел боғлагани халқимизнинг ҳаёти фаровон, дастурхони тўкин бўлишига олиб келди. Тинчлик-хотиржамлик ҳукм сураётган шундай гўзал ва бетакрор юрта замонавий янги корхоналар, илғор технологиялар ниҳоятда ярашади. Бу жиҳатдан санаятлашган Қувасой шаҳрининг «Исфайрамсой» қишлоғида цемент ишлаб чиқарадиган, шифер маҳсулотлари тай-

биркор корхонани хом ашё билан таъминлаш мақсадида қирлик бағридаги кенг майдонда цемент ишлаб чиқарадиган иккинчи корхонани ҳам қурди. Маҳаллатли меҳнатлар самарасини берди. Қарабсизки, икки корхона изчил фаолият юрита бошлади.

Халқнинг фаровонлиги, юрт ободлигини ўйлайдиган, фидокорлиги туғайли эл назарига тушган Мўсинжон Меҳмонов 27-«Найман» сайлов округидан халқ депутатлари Қувасой шаҳар Кенгаши депутатлигига ҳам сайланди. Шундай бир пайтда корхоналарда ишлаётган ишчи-хизматчиларни ижтимоий муҳофазга қилиш, корхона билан ишчилар ўртасидаги жамоа шартномалари бандларининг изчил бажарилишини йўлга қўйиш, ишчиларга муносиб меҳнат, дам олиш шароитларини яра-

тиш бош масалалардан бирига айланди. Дунёқарашни кенг, ишчининг меҳнатини бекиёс кадрлай оладиган М.Меҳмонов тақлифи билан «ВМР and Trading Group», «Фаргонацемент», «82-КМК» қўшма корхоналарининг 2013 йил 15 май кунини биланган касабаси уюшмаси кўмитаси ташкил этилди. Кўмита раислигига узоқ йиллар санат корхоналарида ишлаб тажриба ортирган, Қувасой шаҳар Кенгаши депутати Абдусамид Назирдинов раис этиб сайланди.

Одатда, раҳбар билан касабаси уюшмаси кўмита раисининг гапи бир ердан чиқса, ўзаро ишонч бўлса, билинги, бундай жойда иш ривож топаверади. Кўнчак касабаси уюшмаси кўмитаси раиси нафақат раҳбарнинг яқин ёрдამчиси, ишчи-хизматчиларнинг сардорига ҳам айланди. Мўсинжон Меҳмоновнинг ишчи-хизматчилар меҳнатини қадрлаш, уларга муносиб иш, дам олиш шароитларини яратиш борасидаги ўй-фикрларни амалга оширишида бирлашган касабаси уюшмаси кўмитаси билан ҳамкорликда олиб берилаётган фаолият фақат наф қилмоқда.

(Давоми 4-саҳифада).



Икром ХАСАНОВ оingan сурат

Мамлакатимизда энг улуг, энг азиз байрам — мустақиллигимизнинг 22 йиллиги шукуҳи кезиб юрган шу кунларда «Қадр-Қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» шiori остида турли тадбирлар давом этаётир.

Майдонда — етакчилар

Навоий вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси спорт майдонида Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Кармана туман кенгаши ташаббуси билан уюштирилган мусобақада 20 дан ортик йирик корхона бошлангич касаба уюшма етакчилари спортнинг уч тури бўйича узаро беллашди.

Аёллар ўртасида кечган қўл кураши турида Техника таъмирлаш таъминоти ташкилоти касабакўм етакчиси Саодат Турдиева устунлики қўлга киритди. Шунингдек, шу турдан эркаклар ўртасидаги курашда «Сардоба парранда» АЖ бошлангич ташкилоти сардори Бахриддин Бозоров ғолиб чиқди.

Югуриш бўйича ўтказилган беллашувда қўйи Зарафшон насос станциялари энергетика ва алоқа бошқармаси касаба уюшма кўмитаси раиси Фулом Давлатов биринчи ўрин соҳибига айланган бўлса, шашкада «Агробанк» бошлангич касаба уюшма кўмитаси раиси Эркинжон Уроқовнинг қўли баланд келди.

Ғолиб ва совриндорлар туман кенгашининг қимматбахо совгалари билан тақдирланди.

Фароғат ЮСУПОВА

Биласизми?

● Андорра дунёдаги почта хизмати текин бўлган ягона давлатдир.

○ 672 рақами Антарктида-нинг халқаро телефон коди ҳисобланади. Гарчи аҳоли доимий яшамаса-да, ушбу музликлар мамлакатига ҳам телефон коди ажратилган.

● Туяқуш тухумининг ўртача катталиги 13,5 см., оғирлиги 1,6 кг.га тенг.

○ Дунёдаги энг тоза сувга эга бўлган денгиз Антарктидадаги Уэддела денгизидир.

● Монголия пойтахти Улан-Батор дунёдаги энг совуқ пойтахт ҳисобланади.

○ Россия дунёда кинотеатрлар кўплиги бўйича биринчи ўринда туради.

● Австралия давлати гольф-клуби низомида шундай жумлаларни учратасиз: «...агар гольф копточаси кенгуруга тегса, ҳеч нима бўлмагандек ўйин давом эттирилади...»

○ Япон олимларининг аниқлашча, одамнинг тиши қанчалик кўп тўқилса, хотираси шунчалик паст бўлади.

● Кашалот (кит тури)нинг бир донати 1,6 килограмм тош босади.

○ Айрим илонлар соңиясига 1,6 метр тезликка ҳаракатланади.

● Шашкада биринчи юришининг 7 та йўли бор.

○ Темир 5000 даража ҳароратда буғланиб кетади.

● Дунёдаги энг илк денгиз деб Қизил денгиз тан олинган.

○ Науру расмий пойтахтга эга бўлмаган ягона давлатдир.

● Кариб денгиз ҳавзасидаги давлатлар ичида темир йўлга эга бўлган Биргина давлат — Кубадир.

○ Африкадаги энг иссиқ пойтахт Триполи ҳисобланади.

● Гугурт дастлаб 1820 йилларда Европада пайдо бўлган. Аммо у ўта хавфли бўлиб, арзиманган ишқалиниш оқибатида ҳам ёниб кетиши мумкин эди. Ҳозирги кўринишдаги, яъни хавфсиз гугурт дончалари эса илк марта 1855 йили Швейцарияда ишлаб чиқарилган.

○ Саудия Арабистони давлати худудида битта ҳам дарё йўқ.

● Греция давлатининг мадҳияси 158 усулда янграши мумкин.

○ Дунёдаги энг кенг кўча Бразилияда жойлашган бўлиб, кенглиги 250 метрга боради.

● Ер шарининг 97 фоиз суви океанлар ҳисобига тўғри келади.

○ Инсон ёлгон гапирганида юраги одатдагидан кўра тезроқ ура бошлайди. Бунинг милоддан олдинги 250 йилларда юн шифокори Эрасистрат (мил. ол. 300-240) аниқлаган эди. Айни кунда мазкур кашфийт «ёлгон детектор»нинг ишлаш принципи асосини ташкил қилади.

● Кўзойнаклар дастлаб «кўз учун мўлжалланган кичик дискчалар» деб аталган.

○ Овўрпалликлар илк марта ба жирафани кўрганларида уни леопард ва туянинг дурагайи деб ўйлашган. Шу боис унга «туяпард» деб ном бергандилар.

● Гепард соатиға 100-120, шер ва кийик 80, кўбн, сиртлон 55, бўри ва каркидон эса 45 км. тезлик билан югуришга қўраш.

Жамшид ЭҒАШЕВ тайёрлади

Соғлом ўссин болалар

Дунёда энг улугъ неъмат фарзанддир. Уйга ҳориб-толиқиб қайтганингизда болажонингизнинг бир оғиз ширин сўзи чарчоғингизни тарқатиб юборади. Кексайганингизда куч, белингизга қувват бўладиған ҳам фарзанд. Ҳаётнинг асл маъносини шунда.

Шодия ҳам ўз тенгқурлари қаторида ўйнаб-кулгиси келди. Лекин... У юра олмайдди, гапира олмайдди. Онанинг фарзандини кўрсатмаган шифокори, бормаган жойи қолмади. Ахир, шифокорларнинг тавсияси билан қизалоғини Урганч шаҳридаги 26-маҳсус мактабга таълим муассасасига олиб борди. Шодия бугун тенгқурлари қатори мустақил ҳаракатланадиган, анча ҳаракатчан бўлиб қолган.

— 26-маҳсус мактабга таълим муассасамизда ҳаракат тизими яхши ишламайдиган, мия фалажига учраган, оёқ-қўли носоглом, эшитиш, сўзлашиш қобилиятини йўқотган ва нутқ ривожланиши орқада қолган болалар тарбияланади, — дейди мудира Саодат Вафоева. — Уларнинг 20 нафари ақли заиф, 86 нафари онг ва нутқ ривожланиши орқада қолган болалардир. Муассасамиз тарбиячилари Гулнора Саидова, Рохатжон Рўзметова, Коммуна Курбонова, Зумрад Оллабергенова, Муҳаббат Машарипова, Сайёра Аvenzиёвалар болаларга ҳар томонлама гамжўрлик кўрсатишмоқда.

— Боғча фаолиятида маҳсус малакага эга бўлган Зумрад Бойнонова, Раъно Болтаева, Ҳилола Исоқова, Нодира Исмоилова, Шоира Ражабова каби дефектологлар болалар билан турли хил машғуллар ўтказиб, уларнинг сўзлашиш қобилиятларини юзага чиқаришда ёрдам беришда, — дейди ўқув ишлари бўйича услубчи Мардона Ражабова. — Шунингдек, шифокорларимиз болаларнинг соғлигини мунтазам кузатиб боришда.

Муассасада болажонларнинг соғлом ўсиб-ўлғайиши, етарли билим олишлари учун барча шароит яратилган.

Мухаййр МАТЧОНОВА, дефектолог

(Давоми. Бошланиш 3-саҳифада).

Қисқа вақт ичида ҳар бир цех, бўлимда йиғилиш ўтказилиб, Бирлашган касаба уюшмасининг бошлангич ташкилотлари тузиб чиқилди. Чунончи, 10 та цехкўм, 10 та техника хавфсизлиги бўйича жамоатчилик вакили сайланди. Спорт йўриқчилари тайинланди. Мазмурият ташаббуси билан барча ишчи-ҳодимларга иссиқ овқат, сут-қатик маҳсулотлари бепул берилиб, маҳсус кийим-бош, шахсий химоя воситалари билан таъминланмоқда. «Маънавият соатлари» ўтказилляпти.

— Раҳбаримизнинг ташаббуслари билан Ўзбекистон-Буюк Британия «BUILDING MATERIALS PRODUCTION AND TRADING GROUP» қўшма корхонаси «82-КМК» ишчи-ҳизматчилари учун янги, замонавий ошхона биноси қурилиб, Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 22 йиллик байрами арафасида фойдаланишга топширилди, — дейди Бирлашган касаба уюшма кўмитаси раиси А.Назирдинов. — «Маънавият хонаси» қурилиши, маънавий-маърифий йўналишдаги барча тадбирларимизнинг амалга оширилишига кенг имкониятлар яратди. «Амир Темура даври маънавияти», «Маънавиятимизнинг порлоқ юдузлари», «Ўзбекистон Республикасининг Давлат

рамзалари», Ўзбекистон Республикаси, Фарғона вилояти, Қувасой шаҳри ҳақидаги маълумотлар, «Йиллар солномаси» каби паннолар «Маънавият хонаси»га кўрк бағишлаб турибди. Шунингдек, зарур қўллана адабиётлар, компютер жамланмаси, мебеллар билан жиҳозланди.

Корхоналарда «Намунали смена» кўрик-танлови ташкил этилиб, ғолиблар маъмурият ва касаба уюшмаси-

леж битирувчилари ишга қабул қилинаётир. Шу боис корхоналарда асосан ёшлар меҳнат қилмоқда. Қўшма корхоналарда жамоа шартномаси талабларидан келиб чиқиб, биринчи марта турмуш қураётган ёшларга, 50-60 ёшга кириб ўз юбилейларини нишонлаётган ишчи-ҳодимларга энг кам иш ҳақининг 5 баробари миқдорда моддий ёрдам берилаяпти.

Айни пайтда ҳукуматимизнинг та-

сўм берилди. Биргина май ойида шаҳар Чернобилчилар ва Афғончи-жангчилар уюшмаларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш учун 4,5 миллион сўм хайрия ёрдами уюштирилди. Шаҳаримиздаги 25-умумтаълим мактабига 354 донат 6 195 минг сўмлик шифер маҳсулотлари бепул етказиб берилди. Шаҳар Бандликка қўмақлашшиш марказига 1 миллион 250 минг сўмлик ёрдам кўрсатилди. «Исфайрамсой» ҚФЙнинг мурожаатига асосан, 2 нафар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси корхонанинг фахрийлигига қабул қилиниб, уларнинг ҳар бирига 350 минг сўмдан нафақа пули тайинланди.

Албатта, бирлашган касаба уюшма кўмитаси ишчи-ҳизматчиларнинг маънавий-маърифий дунёқарашини ўстириш билан бирга, уларнинг жиҳсонан соғлом бўлиши ҳам муҳим. Шу сабабли қувувчилар байрами, мустақиллигимизнинг 22 йиллик байрамига бағишлаб цехлар ўртасида футбол мусобақалари ташкил этилаётир.

Айни пайтда раҳбаримиз сайёҳаракати билан шу ҳудудда янги бир корхонага асос солинди. Бўш турган жойда темир-бетон буюмлари ишлаб чиқарадиган корхона қад ростламоқда. Бу эса 50 дан зиёд ёшларни янги иш ўринлари билан таъминлаш имконини беради.

Йўлдошали АБДУВАЛИЕВ, Халқ депутатлари Қувасой шаҳар Кенгаши депутати

Халқ манфаатини ўйлаган раҳбар

ҳам корхонани ривожлантиради, ҳам ишчи-ҳизматчиларни рағбатлантиради

нинг рағбатлантирувчи мукофотлари билан тақдирланмоқда. Ишчи-ҳодимларга яратиб берилаётган шарт-шароитлар натижасида ишлаб чиқариш сифати ва самарадорлиги ортмоқда. Бунинг эвазига иш ҳақининг доимий ортиб бориши таъминланяпти. Мустақиллигимизнинг 22 йиллик байрами арафасида иш ҳақи 20 фоизга оширилди. Ҳукуматимизнинг амалдаги қарорларини ҳаётга татбиқ эта бориб, шахримиздаги қатор касб-ҳунар кол-

шаббуси билан «Қувасойни намунавий шаҳарга айлантирамиз!» шiori остида 2013-2015 йилларга мўлжалланган, бўш турган ишлаб чиқариш, ижтимоий-маданий ва спорт иншоотларини ишга тушириш, қайта қуриш, таъмирлаш, сервис хизматларини янада кўпайтириш бўйича кўплаб ишлар қилинмоқда. Мусинжон Меҳмонов тақлифи билан шахримизнинг марказида қад ростлаётган «Маданият боғи»даги янги аттракцион учун 80 миллион

ташкил этилаётир.

Йўлдошали АБДУВАЛИЕВ, Халқ депутатлари Қувасой шаҳар Кенгаши депутати

Реклама ва эълонлар

Аукцион савдолари хабарномаси

«REALTOR-CONSULTING GROUP» масъулияти чекланган жамияти мулкнинг бошлангич баҳоси ошиб бориш тартибидега ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади.

2013 йил 19 сентябр кунин соат 11:00да Тошкент шаҳар, Буюк Турон кўчаси, 41-уй манзилида ўтказиладиган савдоларга Тошкент шаҳар Ҳўжаллик судининг 10.10.2012 йилдаги 10-1218/13607-сонли хал қилув қарорига асосан банкрот деб топилган «UMUM QURILISH SERVIS» хусусий ишлаб чиқариш қурилиш корхонаси кредиторларининг 20.08.2013 йилдаги йиғилиш баънига ва тугатиш бошқарувчисининг 30.08.2013 йилдаги 275-сонли буюртмасига асосан корхона ҳисобидеги Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Боғишамол (Огородная) кўчаси манзилида жойлашган умумий ер майдони 1301,0 кв.метр, қурилиш майдони 62,0 кв.метрдан иборат бошлангич баҳоси 135 359 000 (Бир юз ўттиз беш миллион уч юз эллик тўққиз минг) сўм бўлган бош механика биноси мажмуаси такоран қўйилмоқда.

Талабгорлар диққатига!

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун буюртманомалар «Аукцион ташкилотчиси» томонидан расмий иш кунлари 2013 йил 18 сентябр кунига қадар соат 10:00дан 16:00га қадар қабул қилинади. (13:00дан 14:00гача тушлик).

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагида бўлган талабгорлар «Аукцион ташкилотчиси» билан тузиладиган зақалат пули тўғрисидаги келишув шартномасига асосан мулк бошлангич баҳосининг 10 фоизи миқдорда зақалат пулининг тўлашлари ҳамда жиҳсоний шахслардан паспорт нусхаси, ҳуқуқий шахслардан давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, устави нусхаси ва савдода қатнашувчи ишончли вакил учун тасдиқланган ишончнома тақдим этилиши сўралади.

Аукцион савдоси ғолибига 10 кунлик муддат ичида олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади.

Зақалат тўлови учун реквизитлар: «REALTOR-CONSULTING GROUP» МСН, х/р: 20208000700234536001, ОАТБ Қишлоқ қурилиш банк Тошкент шаҳар минтақавий филиали МФО: 00452, СТИР: 207186573, ОКОНХ: 83400.

Аукцион савдосига қўйилган мулклар билан тугатиш бошқарувчиси иштирокида жойига чиқиб танишиш мумкин.

Буюртманомаларни қабул қилиш ёки қўшимча маълумотлар учун манзил ва телефон:

Тошкент шаҳар, Буюк Турон кўчаси, 41-уй (Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги биноси 7-қавати).

Лицензия RR 0170, тел.: +99893 529-30-13, +99893 553-51-41. E-mail: rc.group@inbox.ru.

«КО'СНМАС МУЛК САВДО ХИЗМАТИ» МЧЖ Хоразм вилояти филиали бошлангич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибидега ўтказиладиган такрорий очик аукцион савдоларига таклиф этади.

Савдога Давлат рақобат кўмитаси Хоразм вилоят ҳудудий бошқармасининг 2013 йил 1 июлдаги 71-АС-сонли буйруғи ҳамда Шовот туман ҳокимлигининг 2013 йил 17 майдаги 455-сонли қарорига, 2013 йил 20 июндаги 3-655-сонли хатига асосан ақли тартибда уй-жой қуришга мўлжалланган ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгаллик ҳуқуқини реализация қилиш бўйича қуйидаги ер участкалари қўйилмоқда.

1. Шовот тумани «Чигатоёқаль» қишлоғи «Бўстон» маҳалласи ҳудудида жойлашган яқна тартибда уй-жой қуришга мўлжалланган, юзаси 600 кв.м. бўлган (шундан турар жой қуриш учун 400 кв.м. ва шахсий ёрдамчи ҳўжалик юритиш учун 200 кв.м.) бўлган рақами 6, 25, 28 жами 3(уч) та ер участкалари. Ер участкаларига бўлган ҳуқуқларнинг бошлангич баҳоси — 661 248 (олти юз олтиш бир минг икки юз қирқ саккиз) сўм.

Аукцион савдоси 2013 йил 11 октябр кунин соат 11:00 да бўлиб ўтади. Буюртманомалар мазкур хабарнома эълон қилинган кундан бошлаб расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача савдо ташкилотчиси жойлашган манзилда қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Буюртманомаларни қабул қилишнинг охири мuddати: 2013 йил 10 октябр кунин соат 18:00. Савдога қўйилган ер участкалари билан Шовот туман архитектура бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Мазкур савдода қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган зақалат келишувига асосан, ер участкаси бошлангич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда зақалат пулини, буюртманомалар қабул қилинадиган охири кунгача АТИБ «Ипотека» банки «Тинчлик» филиалидаги: МФО: 00580, ИНН: 207122519, 2020800004920609036 х/рга тўлашлари шарт.

Савдо ғолибига савдо кунидан бошлаб 20 (йигирма) кун муддат ичида ер участкасига бўлган ҳуқуқни тасарруф қилиш шартномасини имзолаш шартлари юклатилади. Тўланган зақалат миқдори сотиб олиш тўлови миқдорининг 15 фоизидан кам бўлиб қолган тақдирда, етишмаётган миқдорини шартнома тузилгунга қадар тўлаб бериш шартлари юклатилади.

Зақалат тўғрисидаги келишув имзолангандан сўнг талабгор савдо ташкилотчисига аукцион савдоси ўтказиш тўғрисидаги хабарномада белгиланган муддатларда қуйидаги ҳужжатларни буюртманома билан бирга тақдим этадилар: — Ўзбекистон Республикаси фуқароси — پاسпорти нусхаси; — хорижий юридик шахслар — чет давлат миллий ёки дипломатик паспорт; — Ўзбекистон Республикасида доимий яшайдиган ва яшаш гувоҳномасига эга бўлган шахслар — яшаш гувоҳномаси нусхаси; — зақалат пулини тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси.

Буюртманомалар қабул қилинадиган Урганч шаҳар, Й.Божонов кўчаси, 23-уй. Тел.: (8-362) 226-32-63, www.1kms.ru; rieltorsavdo@inbox.uz

Лицензия: RR-0001. Савдо ўтказиладиган манзил: Шовот туман ҳокимлиги биноси.

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir o'rinbosari Zayniddin Rixsiyev Tahrir hay'ati: Muhammad Ali Ahmedov, Baxtiyor Mahmadiyev, Oksana Belausova, Sog'Indiq Niyetullayev, Eson Rajabov, Jahongir Sharofboyev (Mas'ul kotib).

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0118-raqam bilan ro'yxatga olingan. ISSN 2010-5000. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi, Hajmi 2 bosma taboq.

Bo'limlar: Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e'lonlar — 256-87-73. Viloyatdagi muxbirlar: Andijon +998 91 141-27-70; Buxoro +99893 653 50 81; Sirdaryo +998 90 999 58 30; Jizzax +998 94 418-67-49; Navoiy +998 94 226-28-84; Namangan +998 90 260-50-77; Samarqand +998 93 352-50-87; Qashqadaryo +998 91 467-30-01; Surxondaryo +998 95 502-16-68; Farg'ona +998 90 583-49-79; Qoraqalp'iston Respublikasi va Xorazm +998 90 719-48-00.

Manzilizimiz: 100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy. Nashr ko'rsatkichi: 133. Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi, sotuvda erkin narxda.

Navbatchi muharrir: N.Rafiqov, Navbatchi: U.Ibodinov, Musahhih: S.Shodiyeva. Bosilgaha topshirish vaqi: -21.00, Topshirildi: -19.50. E-mail: Ishonch2012@gmail.com. Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi: H.Abdullajlov. «Sharh» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxonamanzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.